O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
8 апрель
ЧОРШАНБА
№ 28
(12.143)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Барчамиз учун бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўтиё қилиб яшайдиган муқаддас макон бўлмиш она Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш каби эзгу туйғуларни униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2009 йилдан бошлаб ҳар йили "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловини ўтказиш ҳақидаги таклифи маъқулансин.

2. "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови ташкилий қўмитаси таркиби ва кўрик-танлов низоми 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови ташкилий қўмитасининг вазифаси этиб қуйидагилар белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларини ўтказиш бўйича барча ташкилий ва ижодий ишларни мувофиқлаштириш;

кўрик-танловни юқори савияда ўтказиш учун амалий ёрдам кўрсатиш, жумладан, жойларга тажрибали режиссёрлар, таниқли санъаткорлар, бастакорлар, шоирлар ва малакали мутахассисларни ижодий сафарга юбориш;

санъат оламига кириб келаётган истеъдодли ёшлар томонидан ижро этилган, ор-номус, қадр-қиммат, ғурур ва ифтихор каби олижаноб туйғуларни тараннум этадиган, юксак гражданлик руҳидаги қўшиқларга алоҳида эътибор қаратиш.

4. Жойларда "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловини тайёрлаш ва юқори савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари раҳбарлигида комиссиялар тузиш вазифаси топширилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

кўрик-танловнинг республика якуний босқичига тайёргарлик кўриш, тарғибот қилиш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади;

кўрик-танлов ғолибларини пул мукофотлари билан тақдирлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси тасарруфидаги ташкилотларнинг ушбу кўрик-танловнинг саралаш босқичларини ўз маблағлари ҳисобидан ўтказиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича кўрик-танловни тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда ғолибларнинг республика якуний босқичида иштирок этишини таъминлаш билан боғлиқ барча харажатлар маҳаллий ҳокимликларнинг бюджетдан ташқари ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги республика кўрик-танловининг якуний босқичини ўтказиш, ғолибларни тақдирлаш ва улар ижросидаги концерт дастурини намойиш этишда "Туркистон" саройини бепул фойдаланиш учун тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига кўрик-танлов тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2009 йил 7 апрель.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЁШЛАР НИГОҲИДА

Паркент туманидаги "Салоҳият" ёшлар марказида турли миллат ёшларининг вилоят фестивали бўлиб ўтди.

Бойқозон қишлоғидаги "Салоҳият" ёшлар марказига вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган йигит-қизлар тўпланишди. Ёшлар фестивали вилоят ҳокимлиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.

Фестиваль доирасида кўрик-танлов ҳам бўлиб ўтди. Марказга шаҳар ва туманлардан ташриф буюрган ўзбек, қозоқ, рус, тожик, қирғиз ҳамда корейс миллатларига мансуб йигит-қизлар миллий либосларида кириб келишди. Миллий либослар намойиши танловнинг биринчи шарти эди. Кейинги шартга биноан ҳар бир миллат вакиллари ўз одат ва анъаналарини намойиш этиб, миллий таомлар, пиширикдар билан пазандачилик маҳоратларини кўз-кўз қилишди. Қолаверса, ўзлари тайёрлаган миллий таомлар тарихи, тайёрланиш усуллари тўғрисида маълумот беришди.

Танловнинг бадиий қисмида ҳар бир жамоа театрлаштирилган томошалар намойиш этди.

– Бугунги фестиваль менда катта таассурот қолдирди, – дейди Юқоричирчиқ туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси Самад Абдурасулов. – Бадиий саҳна кўринишида қозоқ миллий чолғу асбоби – дўмбирада "Неберем", "Анаға хат" қўшиқлари билан иштирок этдим. Тенгдошларимизнинг миллий рақс ва куй-қўшиқларини ҳам мириқиб томоша қилдик. Муҳими, шу фестиваль баҳона кўплаб дўстлар орттирдим. Бошқа миллат анъаналари, урф-одатларига ҳурматим янада ошди.

Фестиваль давомида миллий кураш, варрак учириш ва бошқа мусобақалар ҳам ташкил этилди. Танлов якунларига кўра, тожик миллий урф-одатлари, анъаналарини намойиш этган Бўстонлиқ тумани ёшлар жамоаси олий совринга эга бўлди. Турли шартлар бўйича Бекобод, Олмалиқ шаҳарлари ҳамда Оҳангарон тумани вакиллари биринчи ўринга лойиқ топилди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТЛАРДА: вилоят ёшлар фестивали лаҳзалари.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

МАЪНАВИЯТ ВА КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

Ўзбекистон халқи жуда муҳим ва масъулиятли бир даврни бошидан кечирмоқда. Бу давр миллий уйғониш, миллий онгнинг тикланиши ва шаклланиши, миллатнинг ўзлигини англаш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида янгича мезонлар ва тамойилларнинг ривожланиши билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади.

Мустақил давлатчилик асосларининг бунёд этиш, том маънода янгича ижтимоий-иқтисодий ва маънавий қадриятларга асосланган давлатни шакллантиришда жаҳонга машҳур алломаларни, файласуфларни, дин ва маданият, адабиёт ва санъат арбобларини етиштирган миллатимиз ўзининг буюк ўтмишига назар солмоқда, буюк аждодларнинг ибратли ишларидан сабоқ олишга, жаҳондаги илғор мамлакат халқларининг ютуқларини ўрганишга интилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

9 апрель – Амир Темур таваллуд топган кун

УММОНДЕК ЧЕКСИЗ МАВЗУ

Олти асрдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, Амир Темур шахси ҳамон тадқиқотчилар назаридан тушмаган. У ҳақида ҳамон ёзишмоқда, талай тадқиқотлар ва янгиликлар яратилмоқда. Уларда биз буюк Соҳибқирон сиймосининг янги-янги қирраларини кўрмоқдамиз.

1996 йилда чет эл тадқиқотчиларининг Парижда эълон қилинган Амир Темур ва темурийлар ҳақидаги тадқиқотлари библиографияси рўйхатига 450 асар киритилган эди. (Амир Темур жаҳон тарихида. Т, 2001, 212-213 бетлар). Ўшандан буён, айниқса, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги нишонланганидан сўнг яна юзлаб асарлар яратилди. Амир Темур ҳақидаги хотиралар ва бадиий асарлар шарқ ва ғарбнинг 33 мамлакатида нашр қилинган ва ҳозир ҳам чоп этилмоқда. Бу асарларда Амир Темур ҳаёти, жанговар сафдошлари ва сиёсий фаолиятининг серқирра томонлари очилиб бормоқда. Соҳибқирон ҳақида унинг замондошлари, ёру дўст ва мухолифлари ёзиб қолдирган хотиралар ҳам эътиборга сазовор. Асл тарихий манбалар, оғзаки ҳикоялар ва ривоятларда ҳам буюк Соҳибқирон сиймоси рўй-рост гавдаланади.

У ҳақда кимлардир холис, кимлардир ғараз ва адоват ила ёзган ва ёзмоқда, Соҳибқирон билан боғлиқ биз билмаган кўп сиру асрорлар намоён бўлмоқда. Шулардан бири дунёнинг шарқу ғарбини, шимолу жанубини қамраган Амир Темурнинг маҳфий хизмати, унинг ёркин намояндалари, кўзга кўринмас вакиллари ҳақидаги ҳақиқатдир. Бу ҳақиқат зарралари Ибн Арабшоҳнинг "Ажоиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур" ("Темур тарихида тақдир ажойиботлари") асарида кўзга ташланади. Соҳибқиронни кўрган, билган, саройида хизмат қилган бу муаррихнинг ёзишича барча томонларида ўз айғоқчиларини тарқатиб, қолган мулкларида эса жосуслар қўйган эди. Амир Темур одамлари ичида "олижаноб, ибодатли, ҳиммат ли кишилар кўп бўлиб, улар асирни озод қилиш, ноқисликни тўлғазиш, ёнғинни ўчириш, сувга ғарқ бўлаётганни қутқазиш, ўзгаларга хайру эҳсон кўрсатиш, бошга кулфат тушганга (ёрдам) қўлини чўзиш у (кишилар) одатларидан бўлиб, буни ёхуд тилаш ва шафоат сўраш билан ёхуд бадал беришу сотиб олиш йўли билан имконлари борича-ю, қудратлари етгунча адо этардилар".

Соҳибқироннинг ўзи ҳам яратган маҳфий хизматини тан олиб ўз "Тузуклари"-да авлодларига шундай васият ёзиб қолдирган: "Ҳар бир сарҳад, вилоят, шаҳар ва лашкарда хабар ёзувчи (хабарнавис)лар тайин қилсинларки, ҳокимлар, раият, сипоҳ ўзининг ва ёт бегона лашкарнинг хатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсин... Атрофдан кирган-чиққан мол-мулк, четдан кирган ва четга чиққан ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар ва ҳукмдорлик ҳақидаги хабарлар, қўшни подшолар, уларнинг гаплари, ишлари ва узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги батафсил хабарларни ростлик ва тўғрилик билан менга ёзиб турсинлар".

Соҳибқирон "Тузуклар"-да ахборот мунтазамлиги ва тезкорлигига катта эътибор бергани ҳам кишини ажаблантирмай қўймайди. "Ва яна амр этдимки, ушбу хабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар".

Амир Темурнинг разведка тармоғига қандай катта эътибор бергани унинг кейинги йўриқномасида яққол акс этган: "Амр қилдимки, мингта тезюрар туя минган, мингта от минган елиб-югурувчи кишини чопқунчи минг нафар тезюрар пиёдани (чопар) этиб тайинласинларки, турли мамлакатлар, сарҳадларнинг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадларини ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб, хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кор-ҳол юз бермасидан бурун чора ва иложини қилайлик".

(Давоми 2-бетда).



Бугуннинг гапи

ҲАФСАЛАЛИ ИНСОННИНГ КЎЧАСИ ФАЙЗЛИ

Баҳор чор-атрофга гўзаллик сепини ёйиб улгурди. Она табиатнинг мислсиз мўъжизаси – борлиқнинг гуллаб-яшнаши, файз-тароватга бурканиши кўрган кўзни қувонтираётгани аниқ. Кўклам шуниси билан ҳам ардоқли. Бу дилбар фаслда инсон қалбида яратувчанлик, яшнатувчанлик иштиёқи уйғонади, ҳар ким ўзи яшаётган хонадонидан тортиб, юрар йўли, маҳалласини янада обод, саранжом-сариштa қилишга бел боғлайди.

Эрта баҳордан бошланган ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари бутун вилоятимиз бўйлаб давом этаётир. Эътибор қилаётган бўлсангиз, бугун шаҳар ва қишлоқларимиз, йўл ёқалари, гузар ва хиёбонлар, катта-катта автомагистраллар бўйлари ўзгача фусун ва тароват касб этиб улгурди. Бу ўзимиз бошлаган хайрли ва эзгу ишларнинг самараси.

Ҳар йил мана шундай паллаларда яхши ниятлар билан енг шимариб, кўкаламзорлаштириш ишларини авж олдирамиз. Бу ҳаракатларимиз чор-атрофимизни боғу бўстонга айлантириб юбориши шубҳасиз. Шундай бўлаяпти ҳам. Бироқ кексаларимиз эккан бир савоб, парваришлаган ўн савоб, дея уқтиришади. Негаки, ниҳол ўз номи билан ниҳол. Унга доимий эътибор жоиз. Шундагина у эртага қадду бастини тутиб, тотли меваларини беради.

Шу маънода вилоятимизда ибратли бир ташаббус ўртага ташланди. Энди ҳар бир экилган ниҳол ўз ҳолича ташлаб қўйилмайди, обдон ўзини тутиб, дуркун ривожлангунига қадар доимий эътиборда, парваришда бўлади. Бу ташаббусни бугун маҳалла жамоатчилиги, катта-кичик корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари ёшлари тўла қўллаб-қувватламоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

9 апрель – Амир Темур таваллуд топган кун

УММОНДЕК ЧЕКСИЗ МАВЗУ

Соҳибқирон ўз хизматидаги одамларига, хусусан, разведкачиларига улкан ваколатлар бергани ҳам манбаларда кўрсатилган. Хусусан, испан элчиси Клавихо эсдаликларида бу ҳолат қайд этилган. Карвон йўлларида жорий этилган ёмчилик хизмати қатъий ҳарбий интизомга бўйсундирилган. Ҳар 30 чақирим масофада бир неча ём отлари билан аравакаш – ёмчи хизматда ҳозир турган. Агар бирон сабаб билан ём отлари бўлмай қолса, у ҳолда агент истаган йўловчининг, ҳатто давлат арбобининг ҳам отини олиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлган.

Шу ўринда беихтиёр ҳозирги замонда, глобаллашув жараёни кучайган бир даврда юксак қадр топган нақлни эслайлик. Ким ахборотга эга бўлса, у дунёни идора қилади. Қарангки, буюк Соҳибқирон XIV асрдаёқ бу ҳақиқат тагига етган ва уни амалга оширган.

Ўз даврининг биринчи ҳарбий низоми деб тан олинган "Темур тузуклари" махфий хизмат стратегияси ва тактикалари бўйича ҳам жиддий қўлланма бўлиб, Пиримқул Қодиров таъбири бўйича, Соҳибқироннинг ижодий кашфиёти эди. Бу кашфиёт ғанимлар қўлига тушса, улар Амир Темурнинг ҳарбий санъатидан, разведка бобидаги маҳоратидан унинг авлодларига қарши урушда фойдаланишлари мумкин эди. Шунинг учун "Темур тузуклари" кам нусхаларда кўчиртирилади, фақат энг эътиборли темурийларга ўқишга берилади, улар эса асарни махфий сақлайдилар.

Амир Темур давридан бошланган одатга биноан бобурийлар ҳам "Темур тузуклари"ни махфий сақлайдилар ва фақат шаҳзодаларга ўқишга берадилар. Шу сабабдан то XVII асрнинг бошларигача тарихий манбаларда "Темур тузуклари" ҳақида маълумотлар учрамайди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг ўғли Ҳумоюнга ёзиб қолдирган васиятномаси ҳам унинг авлодлари томонидан сир тутилган. Шундан келиб чиқиб, фараз қилиш жоизки, Шоҳ Жаҳон "Темур тузуклари"нинг аслияти билан бирга форсий таржимасини ҳам ўз авлодлари учун махфий сақлаган. Амир Темурнинг улкан салтанатни бошқаришда ва оламшумул зафарларга эришишда орттирган бой тажрибаси, ўз авлодларига ички сирларини очиб ёзган сўзлари, донишмандлик билан берган маслаҳатлари, ҳарбий санъат ва махфий хизмат моҳиятини кўрсатувчи тузуклари бобурийлар салтанатида давлат сирлари ҳисобланган. Бу сирлар рақиблар ихтиёрига ўтса, улардан бобурийларнинг ўзларига қарши курашда фойдаланишлари мумкинлиги ҳисобга олинган. Мана шу сабабларга кўра 1637 йилда Шоҳ Жаҳон "Темур тузуклари"нинг форсча таржимасини таҳрир қилдириб, нуқсонларини бартараф эттирганидан сўнг то 1779 йилгача бирорта тарихий манбада "Темур тузуклари" ҳақида ахборот учрамайди.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мулоҳаза

Шифокорлик илмининг асосчиларидан бири, юнон олими ва мутафаккири Гиппократ Шарқ оламида Буқрот ҳаким номи билан маълум ва машҳурдир. Унинг отаси Гераклит ҳам тиббиёт ва бошқа кўп фанлар соҳасида донғи кетган олим ва фозил инсон бўлган. Шу сабаб у дастлабки таълимни отасидан олган.

УМРДАН БАРАКА ТОПМОҚ УЧУН

Буқротнинг тиббиётга доир етмиш бешга яқин илмий асарлари "Мажмуаи Буқротия" номи билан жаҳонга маълумдир. Олимнинг асарлари суроний ва араб тилларига ўгирилгандан кейин яна ҳам машҳур бўлиб кетган. Айниқса, "Китоб ал-Фусул", яъни "Афоризмлар" номли асари элюрт ўртасида кенг тарқалган. Буқротнинг тиббиёт соҳасидаги буюк хизмати шундаки, у барча учун зарур бўлган бу ноёб фанни уни илм ўрнида кўрмаган коҳинлар таъсиридан қутқарди ва мустақил ривожланиш йўлларини белгилаб берди. "Ҳар бир виждонли тиббиёт ходими касалликни эмас, беморни даволаши керак" деган машҳур шиорни илгари сурди. У довруқли жарроҳ ҳам бўлган. Ушбу ҳаётий йўналиш туфайли тиббиёт фан сифатида тараққиёт йўлини топди. Олимнинг фикрича, табиб даволаш жараёнида ташқи муҳит, яъни иқлим, тупроқ, сув, кишиларнинг ҳаёт тарзи, мамлакат қонунлари ва умуман инсондаги жисмоний ва руҳий хусусиятларни ҳисобга олиши лозим...

Айни замонда Буқротнинг тарих олдидаги тенгсиз хизмати шундаки, у биринчи бор тиббиёт ходимларининг ҳулқ-атворини белгиловчи ҳуқуқий асосларни яратди. Машҳур "Гиппократ қасами"нинг ижодкори ҳам алломанинг ўзидир. Буқрот "Тиббиёт отаси" номи билан ҳам машҳур ва маълумдир.

Буқрот ҳаким ҳақида фикр юритишимизнинг сабаби шундаки, тиббиёт отасининг машҳур қасамёди истиқлол туфайли республикамизда одамларнинг сиҳат-саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш кенг йўлга қўйилган, шифохона, поликлиника ва соғломлаштириш муассасаларига эътибор кучаяётган шароитда тиббиёт ходимларининг ўз бурчларига яна ҳам садоқатли бўлишларини талаб этади. Зеро, беморлар, айниқса, ёши бир жойга бориб қолган кексалар кўпроқ меҳр-мурувватга, эътибор-ҳурматга, айниқса, малакали даволанишга муҳтожлар.

Демоқчиманки, инсон саломатлиги биринчи ўринга қўйилган ҳозирги даврда ҳам айрим тиббиёт ходимлари ўртасида ўзининг муқаддас касбини суиистеъмол қилувчилар, "қўлга қараб турувчилар" топилиб қолади. Ахир соғлиқни сақлаш ишлари давлатимиз паноҳига олинган-ку? Тўғри, пуллик шифохоналар ҳам бор, албатта. Бизни ҳайратга соладиган жойи шундаки, айрим малакали мутахассислар ҳам ўрганиб қолишган. Бунинг устига энг эътиборли шифохоналарда алоҳида пуллик ва пулсиз муолажа қиладиган врачлар, мутахассислар бор. Бу эса баъзи таъмагир тиббиёт ходимлари учун жуда қўл келмоқда.

Тиббиёт отаси деган буюк номга сазовор бўлган Буқрот ҳакимнинг машҳур қасамёди билан боғлиқ ва тиббиёт аҳлига зарур бўлган кўп масалалар бор. Буни беморни муолажа қилаётган оддий тиббиёт ҳамширасидан тортиб то олий унвонларга сазовор бўлган шифокору машҳур олимларгача ёдларида тутсалар саховат-савобдан ҳоли бўлмас.

Узоқ умр кўриш, доимо бардам-бақувват юриш учун эса тўғри овқатланиш, жисмоний ҳаракат, руҳий тетиклик, эзгу мақсад билан яшаш, бировга ёмонлик қилмаслик энг муҳим шартлар ҳисобланади. Яхши ният, эзгу мақсад билан яшаш, одамларнинг ҳожатини чиқариш, озодаликка риоя қилиш учун ўқиш, ёзиш машқларини давом эттириш керак.

Хитой олими Цзян тиббиёт соҳасида катта кашфиёт қилди. Бу нурлатиш йўли билан даволаш усулидир. Кашфиётнинг аҳамияти шундаки, у инсон жисмидаги умр бўйи бетўхтов ишлаган ва "чарчаб" қолган, мудроқ генларни уйғотиш йўлидир. Бунинг учун нима қилиш лозим?

Энг муҳими жисмоний тарбия, айниқса, ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар учун бу айниқса, зарурдир. Жисмоний тарбия деганда фақат эрта билан туриб машқ қилиш ёки чопишгина эмас, иложи бўлса кетмон, белкурак олиб ер чопиш, дарахтларнинг тагини бўшатиш, оқлаш, қақроқ ерларни суғориш, уйдаги майда-чуйда жисмоний ҳаракат билан боғлиқ ишларни бажариш, умуман, тиниб-тинчимаслик – буларнинг барчаси саломатлик учун энг зарур имкониятлар, умри дароз ишлардир. Овқатни еб, қоринни тўйғазиб ухлаш, ё ётоқчилайвериш кони зарардир.

Мақсуд ҚОРИЕВ.

ҲАЙКАЛ ПОЙИДАГИ ЎЙЛАР

Азим пойтахтимиздаги буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур номи билан аталувчи хиёбондан ҳар сафар ўтганимда Соҳибқирон бобомизнинг ҳайкали пойида ўйга толаман.

"Кимки бизнинг куч-қудратимизга шубҳа ила қараса, биз қурдирган иморатларни кўрсин", деган гапларининг том маъноси ҳам Ватан қудратини бутун дунёга намоён этишга қаратилганлигига иқрор бўламан.

Дарҳақиқат, юртимизнинг қайси тарафига борманг, ул зотдан мерос қолган одамни ҳайратга солгудек биноларни кўрасиз. Биргина Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент воҳаларида бунёд этилган обидалар ва тарихий бинолар аждодларимизнинг қандай куч ва қудрат соҳиблари бўлганликларини кўрсатиб турибди.

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" номли китобида халқимизнинг миллий ғурурини юксалтириш, Соҳибқирон бобомизнинг муборак номи, тарихий сиймоси, бой мероси ва хотирасини тиклаш йўлида мамлакатимиздаги эзгу ва хайрли ишлар батафсил ҳикоя қилинган. Асарда буюк бобомизнинг халқимизнинг маънавий хазинасини бойитишга қўшган беназир ҳиссаси ҳақида шу вақтга қадар айтилмаган янги фикр ва маълумотларнинг баён этилгани ғоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Амир Темур хиёбонида ўрнатилган ҳайкал лойиҳаси муҳокама қилинганида Соҳибқироннинг қўлида найза эмас, балки от жиловини ушлаб турган ҳолат тасвирланиши тўғрисида билдирилган қуйидаги фикрлар қалбида миллий ғурур туйғуси бўлган ҳар қандай юртдошимизнинг эътиборини ўзига тортиши табиий:

"Салтанатда найза кўтарган одамлар кўп бўлган, аммо жилов Амир Темурнинг қўлида бўлган. Бу мустаҳкам давлат тизимини қўлда тутиб туришни англатади"...

Дарҳақиқат, "Куч – адолатдадир" деган шиор улуғ бобомизнинг нақадар юксак маънавият соҳиби бўлганлигини, ўз куч-қудратини қилич билан эмас, адолат билан намоён қилганини кўрсатади.

Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.

СОҲИБҚИРОН ЎГИТЛАРИ

● Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунча ундан қўлимни тортмадим.

● Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб.

● Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларни оға қаторида, кичикларни фарзанд ўрнида кўрдим.

● Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим.

● Ким менга дўстлик қилган бўлса дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим.

● Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим.

● Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди.

МАКТАБ ЯНГИ ҚИЁФАДА

Олмалиқ шаҳридаги 1-соғломлаштириш спорт мактаби давр талабига мослаб таъмирланмоқда.

"Шуҳрат – 2000" хусусий пудрат ташкилоти қурувчилари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими молиялаштирган иншоотда 129,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди. Мактаб ҳовлисида сув ҳавзаси ҳам барпо этилаяпти.

Мунаввара РАЖАББОЙ қизи.

XXI аср ва ДУНЁ

МУЗЛАТКИЧ УЧУН ҚОТИШМА

Америкалик олимлар музлаткич ва кондиционерларга совутиш мосламаси ясаш учун янги қотишма кашф этди. Унинг ёрдамида жуда ихчам, тежамкор ва товуш чиқармасдан ишлайдиган музлаткич ва кондиционер ишлаб чиқариш мумкин. Маълумотларга кўра, қотишма таркиби темир, фосфор, марганец ва германийдан иборат.

Мутахассисларнинг айтишича, янги технология экологик муаммоларнинг олдини олишда жуда қўл келади. Чунки шу тариқа иқлимга салбий таъсир қилувчи зарарли фреон газининг ҳавога чиқишига чек қўйилади.

ИТАЛИЯДА ЗИЛЗИЛА

Италияда содир бўлган зилзила оқибатида юзга яқин одам ҳаётдан кўз юмди, эллик мингдан зиёд одам бошпанасиз қолди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, кучли ер силкиниши Абруцци вилоятидаги тарихий биноларга катта зарар етказган. Шунингдек, электр тармоқлари қаттиқ шикастланган. Форли, Фаенца ва Урбина сингари кўплаб шаҳарларда минглаб одамлар электр энергиясидан маҳрум бўлган. Мактабларда дарслар тўхтатилиб, қатор корхоналар ёпилган. Бошпанасиз қолганлар ичимлик суви, озиқ-овқат ва кўрпа-тўшак билан таъминланмоқда.

ЛОЙИҲАЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ

Буюк Британиянинг "Авива" суғурта компанияси жорий йилда 1100 иш ўрнини қисқартириш ниятида. Бу ҳақда компаниянинг матбуот хизмати маълум қилди. Шунингдек, "Авива" олти юзга яқин янги лойиҳани бекор қилган. Боиси компания 2008 йилнинг ўзида 885 миллион фунт стерлинг миқдорида молиявий зарар кўрган.

Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, айни пайтда "Авива"да олтмиш мингга яқин ходим фаолият юритади.

ЎзА.

ҲАФСАЛАЛИ ИНСОННИНГ КЎЧАСИ ФАЙЗЛИ

Ҳисоб-китобларга кўра, бу йил вилоятимиз бўйича экилган мевали, манзарали дарахтлар сони 2 миллиондан ошиб кетди. Галдаги муҳим вазифа уларни бенуқсон кўкартириб, авайлаб-асрашдир.

Қибрайлик кекса боғбон Ғайрат Сулаймонов шундай дейди:

– Аксари мева ниҳоллари оби-тобида парвариш қилинса, учинчи йили ҳосил беради. Ниҳол кўкламги табиий намгарчиликда кўкариб олгач, ўз ҳолига ташлаб қўйилса, май-июнь ойи жазирамасида ҳолдан тойиб, барглари қовжирайди. Ниҳол атрофи илдизига зиён етказмаган ҳолда юмшатилиб, ҳалқа шаклига келтирилса, нам узоқ сақланади. Ниҳолни кечқурун, салқин паллада суғорган маъқул. Меванинг турига қараб, таги юмшатилаётганда маҳаллий ўғит берилса, яна яхши.

Дарҳақиқат, бу йил экилган ҳар бир ниҳол бенуқсон тутиб кетди. Бунинг учун бизга кўкламнинг ўзи ёрдамга келди. Кексалар таъбири билан айтганда ҳамал – чинакам амал бўлди – ёмғир кўп ёғди. Энди меҳнатимиз самарасини кўриш кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ.

Яна бир эътирофга лойиқ ташаббус – ҳозир шаҳар ва қишлоқларимизга анвойи гуллар экилиб, ҳар гўша чаманзорга айлантирилаяпти. Бугун айниқса, Зангиота ёки Чирчиқ томонларга йўлингиз тушса, баҳридилингиз очилади. Кўчалар обод, ҳар қадамда анвойи гуллар сизга пешвоз чиқади. Беихтиёр, қилса бўлар экан-ку, дейсиз. Бу ташаббусни бекаму кўст амалга оширишда вилоят "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамда хотин-қизлар қўмиталарининг кўмаги катта бўлаяпти. Вилоятимиз аёлларининг нозик диди ва саранжомлиги мана шу ишда, айниқса, ёркин намоён бўлаяпти.

Бироқ, вилоятимизнинг айрим ҳудудлари, айтайлик, Юқоричирчиқ ва Ўртачирчиқ туманлари жамоатчилиги ҳам бу ташаббусдан ибрат олсалар, ёмон бўлмасди.

– Шаҳримизда 44 та маҳалла бор, – дейди "Маҳалла" хайрия жамғармаси Чирчиқ шаҳар бўлими раиси Дилбар Пўлатова. – Ҳар бир маҳалла ва ҳудудларда жойлашган муассаса жамоаси бу хайрли ишга якдиллик билан бош қўшаяпти. Натижада, шаҳримиз қиёфаси янада яшнаб, яшариб кетди. Ҳозир экилган 75 минг тупдан зиёд анвойи гуллар шаҳримиз кўчаларини безаб турибди.

Айниқса, шаҳарнинг "Иқбол", "Умид", Ҳайдар Мақсудов номли маҳаллалари бугун алоҳида файзтароват эгаллаган. Худди бу ерга баҳор алоҳида туҳфалар билан келгандек. Энг қувонарлиси, маҳалла аҳли ўзлари яратган гўзалликдан мамнунлар. Бинобарин, ободлик бор жойда, файз-барака бўлиши шубҳасиз.

Алишер РАҲМАТОВ.

СУРАТДА: бу анвойи гуллар Чирчиқ шаҳри кўчаларини безаб турибди.

Даврон АҲМАД олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

САЙЁҲЛИК ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонасида юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган "Tourism opportunities in Uzbekistan" деб номланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Буюк Британиянинг турли компания ва ташкилотлари, ишбилармон, ижтимоий ва академик доиралари, шунингдек, дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

Тақдимотда сўзга чиққан Британия-Ўзбекистон жамияти раиси Хартли Бут туризм соҳасини ривожлантириш давлатлар ва халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро тушунишни мустаҳкамлашга ёрдам беришини таъкидлади. Шу боис ҳам Британия-Ўзбекистон жамияти маърифий тадбирларни ташкил этиш орқали Буюк Британияда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини илгари суришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Х. Бут ўзбек халқининг меҳмондўстлик, самимийлик, меҳмонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш каби хусусиятларини алоҳида таъкидлади.

У ўзбек халқининг бой маданий мероси, миллий таомларнинг хилма-хиллиги, одамларнинг самимийлиги ва меҳмондўстлигини эътироф этиб, бу жиҳатлар мамлакатга дунёнинг турли бурчакларидан миллионлаб сайёҳларни жалб этишга хизмат қилишини таъкидлади.

"Жаҳон" АА,
Лондон.

Қулайлик

ТЕЗКОР ҲИСОБ-КИТОБЛАР ПЛАСТИК КАРТОЧКА ОРҚАЛИ

Бугунги кунда пластик карточкалар ёрдамидаги нақд пулсиз электрон тўловлар пул айланишининг ажралмас қисми саналади. Ҳисоб-китобнинг бундай усули 7,5 минг кишилик жамоага эга "Ўзбеккўмир" очиқ акциядорлик бирлашмасида ҳам жорий этилди.

Эътироф этиш жоиз, айни вақтда тизимда ишлаётган ишчи ходимлар иш ҳақининг 33 фоизи пластик карточкаларга ўтказилаяпти. Бирлашма бошқарув кенгаши кончиларга қулай шароит яратиш, яъни тизимдаги ҳар бир корхона ва ташкилотнинг ўзида пластик карточкалар билан хизмат кўрсатувчи савдо шахобчалари очиш мақсадида Тошкентдаги "Ўзулгуржисавдо – Инвест" уюшмаси қошидаги "Улгуржикийимсавдо" базаси билан шартнома тузди. Мазкур саъй-ҳаракатларнинг илк самараси сифатида бирлашма тасарруфидаги темирйўл-транспорт бошқармасида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари дўкони иш бошлади. Ҳозир бу ерда сотилаётган маҳсулотлар тури 50 дан зиёд. Нархларнинг бозордагидан арзонлигидан барча мамнун. Масалан, биринчи навли бир килограмм ун 860 сўм, ўсимлик ёғи 3250 сўм, сариёғ 9450 сўм, хўжалик совуни 650 сўм ва ҳоказо.

– Бундай савдо дўконлари яқин орада Ангрен кўмир кони, тоғ-кон ускуналарини таъмирлаш заводи, автотранспорт, "Кўмирэнерго", шунингдек, кўмирни ерости усулида қазиб олиш бошқармаларида ҳам иш бошлайди, – дейди "Улгуржикийимсавдо" базаси директори Сунnат Умаров. – Кончиларнинг бугунги талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда сотувдаги маҳсулотлар турини кўпайтириш ниятидамиз. Жумладан, дўкон пештахталаридан биргина озиқ-овқат ёхуд хўжалик молларигина эмас, балки кийим-кечаклар, маданий ва маиший жиҳозлар ҳам ўрин олади.

– Корхонамиздаги илгари шаҳар "Матлуботсавдо"га қарашли бўлган дўконда кундалик эҳтиёждаги маҳсулотлар кам бўларди, – дейди темирйўл-транспорт бошқармасининг вагонларни кўрикдан ўтказиш ва техник назорат қилиш участкаси ишчиси Мартабали Эрматов. – Пластик кароточканинг асосий жиҳати – вақт тежалади. Харидорнинг ҳам, сотувчининг ҳам пул санаб туришига ҳожат қолмайди. Буни касса-терминалнинг ўзи бажаради.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: дўкон сотувчиси Достон Мирфайзиев харидорлар хизматида.

Муаллиф олган сурат.

ТЕХНИКАЛАР УНУМЛИ ИШЛАЯПТИ

"Оққўрғон машина-трактор парки" очиқ акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари жорий йил экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўришди. Техникалар далага чиқарилиб, ер тайёрлаш ва чигит экиш аллақачон бошлаб юборилди.

68 та ер текисловчи ускуналар, 119 та чигит экиш сеялкалари ҳамда қўшни туманлардан жалб этилган техникалар унумли ишлаяпти.

Туманда фаолият кўрсатаётган 328 та фермер хўжаликлари билан ўзаро шартнома тузилган бўлиб, МТП томонидан мазкур хўжаликларга ер ҳайдаш, шудгорлаш, мола-борона қилиш, чигит экиш, буғдой ўриш сингари муҳим юмушларда яқиндан ёрдам кўрсатилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Оққўрғон туманида экиш мавсуми давомида механизаторларга қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. 38 нафар механизатор 2 сменада меҳнат қилаяпти. Улар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак билан таъминланган. Туман ҳокимлиги томонидан бир қопдан ун, 5 килограммдан ёғ, 50 минг сўмдан пул мукофоти олдиндан бериладиган бўлди.

– Экиш мавсумини техникаларимиз ёрдамида қисқа, 10 иш кунида якунлашга ҳаракат қиляпмиз, – дейди биз билан суҳбатда "Оққўрғон машина-трактор парки" ОАЖ раиси Ғафур Жуманов. – Агарда механизатор берилган топшириқни режадан ошириб адо этса, касаба қўмитамиз томонидан қўшимча 150 минг сўмдан пул мукофоти берилади.

Демак, туманда экиш мавсумини қисқа фурсатда ўтказиш учун барча имкониятлар ишга солинаётир.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

МАЪНАВИЯТ ВА КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимизни изчил ва қатъиятлилик билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турибди.

Республикамизда бу борада амалга оширилаётган барча тадбирлар миллатнинг соғлиғини, соғлом наслни шакллантиришга қаратилгандир. Ўзбек оилаларига хос яна бир фазилат – жамоа фикри билан ҳисоблашиб яшаш. Ўзбек оиласининг ҳар қандай хатти-ҳаракати доимо жамоа кўз ўнгида содир бўлган. Ёшларни одоб-ахлоқ руҳида тарбиялашда ҳам жамоанинг ўрни катта. Оиладаги гўзал одоб, бир-бирига ҳурмат, ота-оналарнинг фарзанд учун ўрнак бўлиши муҳим жиҳатдир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жамоа билан оилани боғлаб турадиган миллий урф-одатларимиз ҳам ёшларни комил инсон бўлиб вояга етишишида катта аҳамиятга эга.

Юртбошимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" номли китобида қайд этганидек, "Шарқ оламида, жумладан, ўзимизнинг Ўрта Осиё шароитида жамоа бўлиб яшаш туйғуси ғоят муҳим аҳамият касб этади ва одамларни бир-бирини қўллаб-қувватлаб ҳаёт кечиришига замин туғдиради". Ҳақиқатан ҳам, оиладаги меҳмондўстлик, ишчанлик, тантилик каби гўзал одатлар ёшларнинг комил инсон бўлиб тарбия топишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Инсоф ва адолат, инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялар ҳозирги мураккаб даврimizнинг кўплаб ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Имом Бухорий, Имом Мотурудий каби буюк аждодларнинг ҳаётлари, ижодий йўллари, илм-фанга қўшган бебаҳо ҳиссаларини ёшлар қунт билан ўрганишлари, уни ҳаётга татбиқ этишлари лозим.

Фаробийнинг фалсафий таълимотида комил инсон муаммоси ва шу билан бевосита боғлиқ бўлган жамиятни мукаммаллаштириш, фозил жамоа қуриш, инсонга бахт-саодат эшикларини очиш воситаларини яратиш масалалари марказий ўринни эгаллайди. Алломанинг "Китоб ал аҳлол мадинат ал – фозил" (Фозил шаҳар одамларининг қарашлари ҳақида рисола) асарида инсоннинг бахт-саодатга эришиши ўз қўлида эканлиги, бу мақсадга одамлар эзгу ишлари, яхши хулқ, яхши сифатлари билан эришажаклари баён этилган.

Комиллик ва маънавият тушунчаларига Юртбошимизнинг юқорида тилга олинган асарларида мукаммал жавоб берилган. Яъни комил инсон ғояси нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат бобида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Шунинг учун ҳам маънавиятнинг устуворлиги фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Уни илмий, фалсафий йўл билан бойитмоқ лозим. Чунки келажак авлоднинг маънавияти бой, дунёқараши кенг, ҳаёт фалсафаси эса ватанпарварлик туйғуси билан шаклланган бўлиши керак.

Комилликнинг яна бир жиҳати Ватанга, миллатга, элу юртга садоқат билан хизмат қилишдир. Ватанни севмаган, миллати тарихи ва тақдирига лоқайд қарайдиган инсоннинг комиллиги ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас.

Азизахон ЗАЙНИДДИНОВА,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Тошкент вилоят адлия бошқармаси қуйидаги нотариус лавозимлари учун танлов эълон қилади:

– Юқоричирчиқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус;

– Зангиота туман 2-сонли давлат нотариал идора нотариуси.

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган, олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Талабгорлар Тошкент вилоят адлия бошқармасига шахсан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

а) Малака комиссияси номига ариза;

б) паспорт нусхаси;

в) белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;

г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

е) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгорнинг қайта малака имтиҳони топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;

ж) охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2009 йил 31 апрелгача Тошкент вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй.
Телефонлар: 253-84-30, 280-51-03.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси қуйидаги нотариус лавозимлари учун қайта танлов эълон қилади:

– Оҳангарон шаҳар 1-сонли давлат нотариал идора нотариуси;

– Оҳангарон туман давлат нотариал идора нотариуси.

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган, олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Талабгорлар Тошкент вилоят адлия бошқармасига шахсан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

а) Малака комиссияси номига ариза;

б) паспорт нусхаси;

в) белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;

г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

е) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгорнинг қайта малака имтиҳони топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;

ж) охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2009 йил 31 апрелгача Тошкент вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй.
Телефонлар: 253-84-30, 280-51-03.

Биржа савдоси

МАСОФА ВА ВАҚТ ТЎСИҚ ЭМАС

Ўн беш йилдирки, республика Кўчмас мулк биржаси ёпиқ акциядорлик жамияти вилоят ҳудудий филиали Ўзбекистон Республикасининг "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида", "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида", "Баҳолаш фаолияти тўғрисида", "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги ва бошқа Қонунлари асосида фаолият юритиб келмоқда.

Кейинги йилларда филиалнинг фаолият кўлами анча кенгайди ва такомиллашди. Аввало, давр талабига жавоб берадиган бино ҳамда замонавий техника воситаларига эга бўлди. Биржа фаолиятида савдоларнинг пировард натижа ва самараси малакали брокерлар савиясига бевосита боғлиқ эканлиги назарда тутилиб, ҳудудий филиал брокерлик идоралари билан узвий алоқада иш юритмоқда. Брокерларнинг саъй-ҳаракатлари кутилган самараларни беришини таъминлаш мақсадида зарур барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Филиалдаги замонавий компьютерлар интернет тармоғи орқали марказий серверга уланиб, марказлашган электрон биржа савдоларида фаол иштирок этишлари учун брокерлар ихтиёрига бериб қўйилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги "Давлат активларини сотиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан биржа савдолари қоидаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар филиалда фаолият юритаётган брокерлар билан ўрганиб чиқилиб, амалда жорий этилмоқда.

Кўрилаётган ушбу чора-тадбирлар савдоларнинг йилдан йилга ривожланиб боришини таъминламоқда. Масалан, 2007 йилда объектларни сотишдан тушган пул 7 миллиард 663 миллион 601,66 минг сўм бўлса, 2008 йилда 9 миллиард 712 миллион сўмдан ошди. Шу йилнинг 3 ойида эса 3 миллиард 214 миллион 661 минг сўмлик 84 та объект сотилди.

Айни пайтда биржада жорий этилган марказлаштирилган электрон савдо тизими республиканинг исталган ҳудудидаги тадбиркорларга савдоларда тўғридан-тўғри иштирок этиш имкониятлари яратилиб, савдоларнинг ошкоралиги, иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлилик тамойиллари таъминланмоқда.

Бекобод шаҳри маҳаллаларида бу йилги Наврўз тантаналари кўтаринкилик, ўзгача шукуҳ билан нишонланмоқда. Шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси ва саъй-ҳаракати самараси ўлароқ, ҳудуддаги 35 та маҳалла замонавий мебель жиҳозлари билан таъминланди. Саноат корхоналари ва ҳомийлар томонидан кам таъминланган оилаларга, меҳр-мурувватга муҳтож кишиларга моддий ёрдам кўрсатилди.

МАҲАЛЛАДА ЁШЛАР ТЎЙИ

Айниқса, шаҳардаги "Зафар", "Туркистон", Мирзо Бобур, Садриддин Айний, Ботир Аббосов номидаги маҳаллаларда Наврўз муносабати билан ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари намунали ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида номлари қайд этилган маҳаллаларда ёшларни иш билан таъминлаш, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш ишлари самарали тус олаяпти. Қолаверса, маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида кўпроқ маънавий-маърифий тадбирларга эътибор қаратиляпти.

"Зафар"ликлар қадимий урф-одатларимизга, анъаналаримизга содиқ қолган ҳолда кам таъминланган оила фарзандининг никоҳ тўйини маҳалла ҳисобидан ўтказиб бериш ташаббуси билан чиқишди. Наврўз байрами муносабати билан "Зафар" маҳалласидаги "Ассалом, Наврўзи олам!" деб номланган хайрия тадбирида икки ёшнинг никоҳ тўйи ўтказилди. Бу мурувватни бутун бекободликлар қизғин қўллаб-қувватлашди. Маҳалла ҳовлисидаги байрамона безатилган дастурхонга 500 дан ортиқ меҳмонлар таклиф қилинди. Катта қозонларда ош ва сумалак пиширилиб, элга тарқатилди.

"Ўзметкомбинат" АИБ маъмурияти, шаҳар кенгаши депутатлари, ҳомий ташкилотлар тадбирга бош-қош бўлишди. Шаҳар ФҲДЁ бўлими мудираси Малика Шарипова келин-куёв – Ўткир ва Зебо Зеитовларга никоҳ гувоҳномаларини топширди.

Даврада спортчи полвонларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Қувноқ куй-қўшиқлар авжга чиқди.

"Зафар" маҳалласи ижтимоий ҳаётида ва жамоат ишларида фаол бўлган 37 нафар фуқарога маҳалла номидан совғалар берилди.

Алижон МУРОДОВ.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, адвокатлик бюро, ҳайъати ва фирмаларида адвокат бўлиб ишламаётган фуқароларнинг 2009 йил 1 январдан бошлаб адвокатлик лицензиялари бекор қилинганлигини маълум қилади.

Амал қилиши тугатилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар рўйхати

№	Лицензия рақами ва берилган санаси	Лицензия олган шахснинг Ф.И.О.
1	TS 000013-1997 йил 21 май	Эмбуллаева Наталья Владимировна
2	TS 000014-1997 йил 21 май	Закревский Леонид Леонидович
3	TS 000015-1997 йил 21 май	Казанский Михаил Валерьевич
4	TS 000016-1998 йил 11 март	Камилов Холматжон
5	TS 000017-1997 йил 7 май	Караман Николай Константинович
6	TS 000018-1997 йил 21 май	Касьянова Ольга Ивановна
7	TS 000024-1997 йил 21 май	Нушаров Алишер Меликулович
8	TS 000029-1997 йил 8 май	Турабеков Бахтиер
9	TS 000040-1997 йил 26 май	Шукурова Зухра Каримовна
10	TS 000048-1997 йил 21 май	Назарова Манзура Нишановна
11	TS 000065-1997 йил 27 май	Зуфаров Вали Адилович
12	TS 000067-1997 йил 27 май	Эрматов Игамберди Каримбаевич
13	TS 000097-1997 йил 3 июнь	Утбасаров Сайфидинхужа Давронович
14	TS 000098-1997 йил 3 июнь	Абдилазизов Нематилла Аллабердиевич
15	TS 000100-1997 йил 3 июнь	Алиева Махрурат Джумакуловна
16	TS 000102-1997 йил 3 июнь	Мардонов Нуралижон Номозович
17	TS 000114-1997 йил 5 июнь	Ахметгараева Фания Абдулахановна
18	TS 000118-1997 йил 5 июнь	Смайлов Умурзок Есиркенович
19	TS 000120-1997 йил 5 июнь	Саутов Ахмед Якубджанович
20	TS 000126-1997 йил 19 май	Сайназаров Мамараим Абдикаримович
21	TS 000130-1997 йил 19 май	Ризаева Рихси Абдураимовна
22	TS 000133-1997 йил 9 июнь	Хегай Вячеслав Чансенович
23	TS 000131-1997 йил 19 май	Худойбердиева Лола Тургун кизи
24	TS 000137-1997 йил 16 июнь	Мусаев Саидакбар Асрарович
25	TS 000139-1997 йил 9 июнь	Романова Зоя Павловна
26	TS 000147-1997 йил 27 май	Ташметов Файзулла
27	TS 000154-1997 йил 12 июнь	Анаркулова Назокат Ахматовна
28	TS 000156-1997 йил 16 июнь	Калдыбаев Турдыбай Садыкович
29	TS 000164-1997 йил 12 июнь	Юсупжонова Ольга Валентиновна
30	TS 000168-1997 йил 12 июнь	Яхшибаева Саера Кулабековна
31	TS 000175-1997 йил 21 июнь	Мирзакулов Зафар Убайдуллаевич
32	TS 000179-1997 йил 16 июнь	Умаркулов Комилжон Махамметович
33	TS 000181-1997 йил 12 ноябрь	Ким Афанасий Семенович
34	TS 000190-1997 йил 12 август	Утепов Токтамурат Шантаевич
35	TS 000241-1997 йил 15 сентябрь	Шералиев Уткур Тешаевич
36	TS 000204-1997 йил 24 декабрь	Пардаев Фазлиддин Тургунбоевич
37	TS 000208-1998 йил 19 март	Шоймардонов Ахмет
38	TS 000214-1998 йил 15 июнь	Каримов Толибжон Амонович
39	TS 000215-1998 йил 15 июнь	Шарипова Гулбахор Наримановна
40	TS 000217-1998 йил 15 июнь	Козырев Олег Азгериевич
41	TS 000220-1998 йил 15 июнь	Гонтмахер Александр Исаакович
42	TS 000229-1998 йил 15 декабрь	Шукуров Мухитдин
43	TS 000231-1998 йил 15 декабрь	Назаров Махмад Иброхимович
44	TS 000232-1998 йил 15 декабрь	Абдусаттарова Гулбахор Тохировна
45	TS 000235-1998 йил 15 декабрь	Рахимов Абдувахоб
46	TS 000238-1999 йил 12 март	Мухамадов Хайдарали Мелиевич
47	TS 000251-1999 йил 12 март	Таджибаев Курбанали Туткинбаевич
48	TS 000253-1999 йил 12 март	Пирназарова Малика Азимовна
49	TS 000258-1999 йил 12 март	Сирожов Гофуржон Йулдош угли
50	TS 000260-1999 йил 29 июнь	Конарева Галина Зекирьяевна
51	TS 000261-1999 йил 29 июнь	Ли Людмила Владимировна
52	TS 000264-1999 йил 29 июнь	Тохтабаев Саддулла Бабамумарович
53	TS 000265-1999 йил 29 июнь	Алимова Клара Шералиевна
54	TS 000270-1999 йил 29 июнь	Байназаров Омар Орманбекович
55	TS 000277-1999 йил 7 сентябрь	Курницкая Елена Филипповна
56	TS 000279-1999 йил 16 декабрь	Калимулина Елена Васильевна
57	TS 000281-1999 йил 16 декабрь	Садиева Лутфие Эшрефовна
58	TS 000284-1999 йил 16 декабрь	Тургунов Эргаш
59	TS 000287-1999 йил 16 декабрь	Юлдошев Собиржон Шоисломович
60	TS 000289-1999 йил 16 декабрь	Насреддтнов Абдуламит
61	TS 000290-1999 йил 16 декабрь	Абдуллаев Яхъе Кучкорхужаевич
62	TS 000291-1999 йил 16 декабрь	Мухаммедов Марис Мирзаевич
63	TS 000296-2000 йил 6 март	Каромонов Сагдилло
64	TS 000299-2000 йил 6 март	Побединская Елена Сергеевна
65	TS 000304-2000 йил 6 март	Краснов Дмитрий Сергеевич
66	TS 000307-2000 йил 6 март	Мардиев Аъзам Хамдамович
67	TS 000313-2000 йил 6 март	Хусаинов Мидхат Агзамович
68	TS 000316-2000 йил 6 март	Сатаров Уткир Хайдарович
69	TS 000319-2000 йил 6 март	Кадиров Шакир
70	TS 000320-2000 йил 5 сентябрь	Саидов Хасан Шукруллаевич
71	TS 000323-2000 йил 5 сентябрь	Сиразетдинов Фагит Фаткулбаянович
72	TS 000324-2000 йил 5 сентябрь	Беланова Татьяна Николаевна
73	TS 000326-2000 йил 5 декабрь	Карасаева Жибек Шайхиевна
74	TS 000329-2000 йил 5 декабрь	Бердалиев Кудайберген Койшибекович
75	TS 000330-2000 йил 5 декабрь	Муртазаев Файзали Номозович
76	TS 000334-2001 йил 5 март	Шоисмоилов Шухрат
77	TS 000346-2001 йил 5 сентябрь	Юсупов Илхом Йулдошевич
78	TS 000349-2001 йил 5 сентябрь	Файзуллаев Зокиржон Кодирович
79	TS 000352-2001 йил 5 сентябрь	Нагай Марина Вадимовна
80	TS 000360-2001 йил 12 декабрь	Абдурахмонов Санжарбек Абдумажидович
81	TS 000361-2001 йил 12 декабрь	Ахременко Владимир Иванович
82	TS 000362-2001 йил 12 декабрь	Азизтаева Мукаддас Махамаджоновна
83	TS 000363-2001 йил 12 декабрь	Жураев Собир Уктамович
84	TS 000366-2001 йил 12 декабрь	Тошматов Кулдашали Ураимович
85	TS 000367-2001 йил 12 декабрь	Утбасова Саломат Эломисовна
86	TS 000368-2001 йил 12 декабрь	Хасанов Сафар
87	TS 000369-2001 йил 12 декабрь	Хамроев Абдихалил Абдуллаевич
88	TS 000370-2002 йил 5 март	Ультарохов Батыр Амреевич
89	TS 000372-2002 йил 5 март	Турсуналиев Рахманали
90	TS 000375-2002 йил 13 июнь	Кучкаров Эргашали Аскарович
91	TS 000376-2002 йил 13 июнь	Абдуллаев Дилшодбек Абдумухторович
92	TS 000383-2002 йил 21 июнь	Касымов Абдукадир
93	TS 000388-2002 йил 5 сентябрь	Усмонов Давлатер
94	TS 000394-2002 йил 5 декабрь	Ташпулатов Абдиманнап Ихматович
95	TS 000395-2002 йил 5 декабрь	Пылев Алексей Николаевич
96	TS 000396-2002 йил 5 декабрь	Юлдашева Шахло Хикматовна
97	TS 000397-2002 йил 5 декабрь	Бекмухамедов Элмурод Султонмуродович
98	TS 000398-2002 йил 5 декабрь	Дехконов Собиржон Хакимович
99	TS 000399-2002 йил 5 декабрь	Корабоев Журабек Муротович
100	TS 000409-2003 йил 5 июнь	Мавланова Мукаррам Исмаиловна
101	TS 000411-2003 йил 5 июнь	Латифов Абдумуталип
102	TS 000416-2003 йил 5 сентябрь	Вафакулова Лолахон Бахрамовна
103	TS 000424-2003 йил 5 декабрь	Камаров Алишер Нарзуллаевич
104	TS 000427-2003 йил 5 декабрь	Бойматов Акмал Журабоевич
105	TS 000428-2004 йил 5 март	Яндашева Сурайе Эргашевна
106	TS 000431-2004 йил 5 март	Галко Александр Иванович
107	TS 000432-2004 йил 5 март	Ешмуратова Зухра Тангатаровна
108	TS 000440-2004 йил 7 июнь	Махкамов Дамир Муслимович
109	TS 000443-2004 йил 7 июнь	Абдиев Бекзод Рахматуллаевич
110	TS 000447-2004 йил 7 июнь	Ушурова Надежда Сатридиновна
111	TS 000459-2004 йил 18 ноябрь	Рахимов Ойбек Раимович
112	TS 000460-2004 йил 18 ноябрь	Кулдашев Хожиакбар Мажитович
113	TS 000467-2005 йил 7 январь	Уралов Шухрат Сайидвалиевич
114	TS 000472-2005 йил 7 январь	Сулейманов Муминжон Курбанбаевич
115	TS 000479-2005 йил 7 апрель	Рахмедов Ашрапхужа Ибрагимович
116	TS 000482-2005 йил 7 апрель	Онаева Гулчехра Уразалиевна
117	TS 000485-2005 йил 14 июль	Хасанов Бахтиер Азамович
118	TS 000487-2005 йил 14 июль	Гуломов Рихсибой
119	TS 000489-2005 йил 14 июль	Тулаганов Рафик Бакиевич
120	TS 000490-2005 йил 14 июль	Усманов Абдихамид Абдирашидович
121	TS 000495-2005 йил 14 июль	Джураев Павел Викторович
122	TS 000500-2005 йил 14 июль	Эсанбаев Омонбой Эсанбаевич
123	TS 000501-2005 йил 14 октябрь	Усманов Махмуджон Мадаминович
124	TS 000502-2005 йил 14 октябрь	Усманов Бурхонжон Якубович
125	TS 000503-2005 йил 14 октябрь	Умиров Бахтиер Исмаилович
126	TS 000504-2005 йил 14 октябрь	Таджиев Расул Эргашевич
127	TS 000505-2005 йил 14 октябрь	Эшмуродов Бахром Эргашевич
128	TS 000506-2005 йил 14 октябрь	Юлдашев Якубжон Хамидович
129	TS 000512-2005 йил 14 октябрь	Гофуров Муродбек Мухаматович
130	TS 000513-2005 йил 14 октябрь	Миролимов Шухрат Мирсоатович
131	TS 000514-2005 йил 14 октябрь	Тошматова Нодира Тохиржановна
132	TS 000516-2005 йил 30 декабрь	Насриддинов Исомиддин Сахобиддинович
133	TS 000517-2005 йил 30 декабрь	Намозов Жасурбек Кувадович
134	TS 000518-2005 йил 30 декабрь	Гадоев Бекзод Ишкобилович
135	TS 000520-2005 йил 30 декабрь	Эргашев Акмалжон Абдураимович
136	TS 000521-2005 йил 30 декабрь	Ташматов Махмуджон Ахмаджанович
137	TS 000525-2005 йил 30 декабрь	Турдиев Ойбек Расулович
138	TS 000526-2005 йил 30 декабрь	Ахмаджонов Бокижон Нигматович
139	TS 000532-2006 йил 14 апрель	Саипов Жамшид Акбарович
140	TS 000534-2006 йил 14 апрель	Хайитов Марат Эргашевич
141	TS 000538-2006 йил 25 август	Исмоилов Хамдам Исмоилович
142	TS 000543-2006 йил 25 август	Исмоилов Ахмад Бозорбоевич
143	TS 000546-2006 йил 14 декабрь	Жумабоев Бахромжон Шералиевич
144	TS 000553-2006 йил 14 декабрь	Шоматова Дилноза Жалоловна
145	TS 000555-2006 йил 14 декабрь	Зокиров Улугбек Анварович
146	TS 000557-2007 йил 20 апрель	Хайитов Хушвакт Сапарбаевич
147	TS 000561-2007 йил 20 апрель	Мухиддинов Жалолиддин Фахриддинович
148	TS 000565-2007 йил 20 апрель	Эшназаров Бахтиер Ибратович
149	TS 000567-2007 йил 20 апрель	Тулаганов Носир Эргашович
150	TS 000568-2007 йил 20 апрель	Ибрагимов Хикмат Ергешович
151	TS 000579-2007 йил 18 июль	Ким Вилорий Инсерович
152	TS 000597-2007 йил 16 октябрь	Нафасова Хилола Розумовна
153	TS 000600-2007 йил 16 октябрь	Хатамов Маткаюм Журабекович
154	TS 000604-2007 йил 25 декабрь	Юсупов Шарофиддин Рахимович
155	TS 000605-2007 йил 25 декабрь	Ражабов Ахтамжон Холбобоевич
156	TS 000606-2007 йил 25 декабрь	Зайирова Ирода Яминовна
157	TS 000607-2007 йил 25 декабрь	Имамбеков Искандар Хакимбекович
158	TS 000615-2008 йил 25 март	Каримов Дилмурод Рахимжонович
159	TS 000622-2008 йил 25 март	Абдукодирова Дилноза Тулкин кизи
160	TS 000624-2008 йил 25 март	Ибрагимов Дониербек Акрамович
161	TS 000626-2008 йил 25 март	Абдуллаев Даврон Муроджонович
162	TS 000639-2008 йил 12 июнь	Муминов Озод Абдуалимович
163	TS 000641-2008 йил 12 июнь	Абдурахмонов Истамжон Ахмадович
164	TS 000642-2008 йил 12 июнь	Ходжаев Бахтияр Азисович
165	TS 000645-2008 йил 12 июнь	Элиев Шерзод Худойкулович
166	TS 000648-2008 йил 12 июнь	Окжигитов Собир Мажитович
167	TS 000651-2008 йил 12 июнь	Алимов Фарход Хусанбаевич
168	TS 000656-2008 йил 8 сентябрь	Бадритдинова Римма Асхадулловна
169	TS 000662-2008 йил 8 сентябрь	Ашурова Матлуба Махмудовна
170	TS 000665-2008 йил 8 сентябрь	Миралимов Эргашвой Тадживаевич
171	TS 000666-2008 йил 8 сентябрь	Сулайманова Гулбахор Алитураевна
172	TS 000667-2008 йил 8 сентябрь	Тоштемиров Тошпулат Тоштемирович
173	TS 000672-2008 йил 5 ноябрь	Олимов Азиз Олимович
174	TS 000673-2008 йил 5 ноябрь	Алимов Бехзод Куркмасович
175	TS 000674-2008 йил 5 ноябрь	Шомирзаев Фарходбек Умматович
176	TS 000675-2008 йил 5 ноябрь	Садыков Сарвар Абдумажитович
177	TS 000677-2008 йил 5 ноябрь	Садыков Санджар Абдумажитович
178	TS 000697-2008 йил 24 декабрь	Рахимов Мухиддин Абдухалимович
179	TS 000699-2008 йил 24 декабрь	Насиров Рустам Абдураимович

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

ГУРУҲДАГИ РАҚИБЛАР АНИҚЛАНДИ

2009 йилнинг 24 сентябрь-16 октябрь кунлари Мисрда футбол бўйича ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг гуруҳ беллашувларида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Англия вакилларига қарши майдонга тушадиган бўлди.

Мисрнинг Луксор шаҳрида ўтказилган қуръа ташлаш маросими якунига кўра, Аҳмад Убайдуллаев устозлик қилаётган мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси "D" гуруҳидан жой олди. Ушбу гуруҳда Ўзбекистон, Англия, Гана ва Уругвай футболчилари ўзаро куч синашади.

"А" гуруҳига тушган мусобақа мезбони – Миср ёшлар терма жамоаси Тринидад ва Тобаго, Парагвай ҳамда Италия вакиллари билан рақобатлашади. "В" гуруҳи фаворити саналган Испания футболчилари Нигерия, Венесуэла ҳамда Таити жамоалари қаршилигини синдириши лозим.

Жанубий Корея вакиллари "С" гуруҳида Германия, АҚШ ва Камерунга қарши тўп суради. Осиё футбол конфедерациясининг яна бир вакили – Австралия ёшлар терма жамоаси Бразилия, Коста-Рика ва Чехия билан бирга "Е" гуруҳида ўйнайди.

Осиё чемпиони – Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари "F" гуруҳида Жанубий Африка Республикаси, Гондурас ва Венгриядан келган тенгқурлари билан беллашади.

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР СИНОВИ

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 2010 йили ўтказиладиган Осиё чемпионатининг саралаш учрашувларига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Туркияда дастлабки ўқув-машғулот йиғинини ўтказди.

18 мартдан 2 апрелга қадар ташкил этилган хорижий йиғинда терма жамоа бош мураббийи Марат Кабаев 1991 йилда туғилган йигирма нафар футболчини синовдан ўтказди. Ёшлар Туркияда жисмоний, техник ва тактик тайёргарлик машғулотларидан ташқари, хориж жамоалари билан ўртоқлик учрашувларида майдонга тушди.

Дастлабки учрашувда Данияниинг "Болдклубен" жамоасига қарши ўйинда Павел Смоляченко ҳамда Дмитрий Кузин томонидан киритилган голлар эвазига 2:1 ҳисобида зафар қучди. Қозоғистоннинг "Қайрат" жамоасига қарши ўтказилган баҳсда иқтидорли ҳужумчи Дмитрий Кузиннинг бир жуфт голи ҳамюртларимизга 2:0 ҳисобида ғалаба келтирди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионатининг "D" саралаш гуруҳида Эрон, Ливан, Туркманистон, Мальдив ороллари ва Покистон вакиллари билан рақобатлашади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

УЙДА ҒАЛАБА, САФАРДА ДУРАНГ

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионатининг олий табақасида иштирок этаётган ўн олтита жамоанинг аксарияти мавсумга пухта тайёрланган ва таркибини кучайтиргани сабабли беллашувлар кескин ва муросасиз курашлар остида ўтмоқда.

Миллий чемпионатнинг тўртинчи тур учрашувлари Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилаётган жамоалар – "Олмалиқ" (Олмалиқ) ва "Металлург" (Бекобод) футболчилари учун омадли келди. Игорь Шквирин устозлик қилаётган олмалиқликлар ўз майдонида Самарқанднинг "Динамо" жамоасини қабул қилди. Учрашув тақдири биринчи бўлимда ҳал бўлди. "Олмалиқ" жамоасига янги қўшилган моҳир ҳужумчи Муйдин Мамазулунов йигирма бешинчи дақиқада самарқандликлар дарвозасини ишғол қилиб, жамоасининг 1:0 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади. "Олмалиқ" бу ғалабадан сўнг "Сўғдиёна" (Жиззах) ва "Локомотив" (Тошкент) жамоалари билан бир хил – еттитадан очко жамғариб, тўртинчи ўринга даъвогарлик қилмоқда.

"Металлург" футболчилари тўртинчи турни Бухорода ўтказишди. Мавсумни муваффақиятсиз бошлаган "Бухоро" жамоаси ғалаба қозониш илинжида тўп сурган бўлса-да, бекободликлар қаршилигини синдиришолмади. Учрашувда ҳар икки жамоа посбонлари ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолди – 0:0. Мавсумда биринчи маротаба дуранг ўйнаган "Металлург" вакиллари жами тўрт очко билан ўн биринчи поғонада бормоқда.

Тўртинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Локомотив" – "Бунёдкор" (Тошкент) 0:2, "Хоразм" (Урганч) – "Қизилқум" (Зарафшон) 2:0, "Машъал" (Муборак) – "Нефтчи" (Фарғона) 1:2,"Шўртан" (Ғузор) – "Сўғдиёна" (Жиззах) 2:1, "Андижон" (Андижон) – "Навбаҳор" (Наманган) 1:1.

Мусобақа жадвалида ўн икки очко жамғарган "Бунёдкор" пешқадамлик қилмоқда. Чемпионга нисбатан битта кам учрашув ўтказган Қаршининг "Насаф" жамоаси ҳисобида тўққиз очко бор. Иккита ғалаба ва шунча дурангга эришган "Хоразм" футболчилари саккиз очко билан кучли учликда бормоқда.

Боҳир БЕК.

Такдимот

ТОМОШАБИНГА ҲАЁТИЙ ФИЛЬМЛАР ЁҚАДИ

"Кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири беқиёс эканлигини ҳисобга олган ҳолда, истиқлол йилларида миллий кинематографияни ҳам ҳар томонлама ривожлантириш, бу борада зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли янги-янги фильмлар суратга олинмоқда, – дейилади Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида. – Улар орқали тарихимиз ва бугунги ҳаётимиз билан боғлиқ турли мавзулар ёритилмоқда".

Ана шундай мавзудаги яна бир кинофильм экран юзини кўрди. Бу "Армон", "Абдуллажон", "Суюнчи", "Чинор остидаги дуэль", "Осмондаги болалар" фильми сценарийлари билан томошабин меҳрини қозонган таниқли кинодраматург ва режиссёр Рихсивой Муҳаммаджоновнинг яна бир ижод маҳсулидир.

– "Чол ва набира" деб номланган янги бадиий фильмнинг ғояси мени кўпдан буён ўйлантириб юрарди, – дейди муаллиф. – Ҳаёт мураккаб, уни кинода акс эттириш ундан ҳам қийин. Жамият тараққиётида муҳим ўрин тутадиган ҳам ва аксинча унга путур етказадиган ҳам оила. Соғлом, барқарор оилалар қатори, маънавий муҳит етарли бўлмаган оилаларда сарсон-саргардон бўлаётган болаларни кўриб, юрак-бағринг эзилади. Бу ҳолатнинг айбдори ким? Ҳаётнинг бу каби оғриқ нуқталарига малҳам бўлувчилар борми? Бундай саволларга жавоб излаш асносида "Чол ва набира"нинг сценарийси ёзилди.

Баъзи сценарийлар экранга кўчирилганда муаллиф айтмоқчи бўлган фикр томошабинга тўлиқ етиб бормагандек туюлади. Фильмга ўзим режиссёрлик қилганим ғояни очиб беришда қўл келди. Актёрларни танлаш имкониятидан фойдаланиб, бош қаҳрамон – Обид ота ролига Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимовни таклиф этдим. Тўғри, режиссёр сифатида айрим ҳолатларни ҳисобга олмаган, рисоладагидек талқин этолмаган бўлишимиз мумкин, муҳими, томошабин фильмдан таъсирланди. Бир вақтнинг ўзида ҳам кулдириб, ҳам йиғлатиш осонмас.

Тўғри, ҳаётий фильм яратиш мушкул. Шу ўринда айрим мутахассислар эътироф этганидек, "Чол ва набира" фақат болалар учун яратилмаганлигини таъкидлаш жоиз. Бу ҳақда бош роль ижрочиси Пўлат Саидқосимов шундай дейди:

– Менга фильм сценарийси маъқул бўлгани учун Обид ота ролини ижро этишга розилик бердим. "Чол ва набира" ҳозирги айрим тижоратбоп, енгил-елпи сюжетлардан иборат фильм эмас. Унда ишонарли эпизодлар, ҳаётий воқеалар бор. Мулоҳаза ва мунозарага арзирли фикрлар йўқ эмас. Айниқса, набирам Ганишер ролини ўйнаган Маъруф Шариповнинг актёрлик қобилиятини кўриб қувондим. Агар фильмдаги воқеалар сабаб қайсидир бемеҳр, худбин ота инсофга келса, ўзгаларнинг бахтига зомин бўлувчи енгилтабиат аёллар камайса, демакки, меҳнатимиз зое кетмабди, дейиш мумкин.

– Мен Бўстонликдаги шифохонада ҳамшира бўлиб ишлайман, – дейди фильм иштирокчиси Фотима Ашурметова. – Кинода илк бора роль ўйнаш насиб этди. Шу билан бирга, фильмни суратга олиш жараёнларида катта ҳаёт дарсини ҳам олдим. Мурғаккина қалбини кетма-кет келган жудоликлар жароҳатлаган Ганишерга жуда ачиндим. Эри, отаси ташлаб кетганларнинг аҳволидан изтиробга тушдим, бағритош оталар, хулқи бузуқ аёллардан нафратландим.

Дарҳақиқат, мағзи тўқ фильмлар ҳамиша томошабинни жалб этиб келган. Чунки улар кишини ўйлашга, мушоҳада юритишга, зарур хулосалар чиқаришга ундайди. Назаримизда, мазкур янги фильм ҳам шундай хусусиятдан ҳоли эмас.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ДАВРА СУҲБАТИ

Тошкентда эстрада хонандалари, бастакор ва шоирлар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан ташкил этилган тадбирда ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, бастакорлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбир иштирокчилари савияси паст қўшиқлар кўпайишининг олдини олиш чораларини кўриш, бу борада хонанда, бастакор ва шоирларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш лозимлигини қайд этдилар. Зотан, бадиий мукаммал, юксак савиядаги мусиқий асарларнинг яратилиши ижрочи, бастакор ва шоир ўртасидаги ижодий ҳамкорликка кўп жиҳатдан боғлиқдир.

ЎзА.

Бўка агро саноат коллежи томонидан 2004 йилда Хайдаров Муратбек Туякбаевич номига берилган К № 106978 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Пискент туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2008 йилда Исмоилова Олтиной Қўчқорбой қизига берилган U № 3420000 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 29.08.2007 йилда № 05-04178 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 600432972) бўлган якка тартибдаги тадбиркор Музаффаров Дониёржон Хайтбой ўғлига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЧП "STATOR SERVIS" реорганизуется в ООО "STATOR SERVIS". Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел.: 182-75-79.

Утерянный план дома, выданный С. Рахимовским БТИ по адресу: г. Ташкент, С. Рахимовский район, махалля Охунбобоева, ул. Бозорбоева, 39, на имя Андаева Хумайра Джалилохуновны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Турмуш чорраҳаларида

ЎҚИНЧ

Феруза нон ёпиб бўлгач, қайнонаси ётган хонага кирди:

– Тузукмисиз ойи?

– Шукр, дурустман, болам.

– Нима овқат қилай?

– Раҳмат болам, ҳеч нарса емайман.

– Вой, емаганингиз нимаси? Қорин оч бўлса, касаллик хуруж қилади. Тортинмай айтаверинг, кўнглингиз тусаган овқатни тайёрлаб бераман.

– Яхшиси бери кел, болам. Сенга айтадиган гапларим бор, – Сора ая келинини ёнига ўтқазди-да, кафтини кафтига қўйди. – Мен сенга кўп айтганман, ўзингга пишиқ бўл деб. Шуни сира унутма. Эҳтимол, бу сўнгги суҳбатимиздир, ўргилай.

– Қўйинг ойи, ундай деманг. Ҳали менинг сиздан ўрганадиганларим жуда кўп.

– Йўқ, болам, менинг сафарим қариб қолди. Сен энди орага гап қўшмай қулоқ сол...

Сора аянинг сўзлари келинини ўйлантириб қўйди. Айниқса, "эҳтимол, бу сўнгги суҳбатимиздир" деган гапи Ферузанинг қулоқлари тагида акс-садо бериб, қайта-қайта такрорланаётгандек туюлди.

– Болам, мана ўн беш йилдан ортиқ бирга яшадик, – деди Сора ая. – Менга кўп меҳнатинг сингди. Айниқса, дард чекиб ётган пайтларимда доим атрофимда парвона бўлдинг. Қилган хизматларингга рози бўл, болам. Мен сендан минг бор розиман. Энди мана бу гапларимни қулоғинга қуйиб ол. Қайнисингилларингга доим яқин юр. Уларнинг дилини асло оғрита кўрма. Ҳали кўп керак бўлади улар сенга. Сандиқда ўғил-қизларингга атаб йиғиб қўйганларим бор. Ўша-ларнинг ёнига аста қўшиб боравер. Вақти келганда худди биров бергандек бўлади. Ўзинг қийналмайсан...

– Бундай гапларни қўйинг ойи, – деди Феруза қайнонасининг елкасидан қучиб. – Сиз ҳали узоқ яшайсиз, набираларингизнинг тўйига бош бўласиз. Ана, ўғлингиз ҳам келиб қолдилар, сиз энди у киши билан гаплашиб туринг, мен газга бир косагина қайнатма қўйиб келаман.

Манас "Қандай, онажон, тузукмисиз?" дея волидаи муҳтарамасининг ёнига чўкди. Сўнг онасининг тўзғиган қордай оппоқ сочларини кафти билан силаганча тартибга келтирар экан, ажин босган пешонасидан ўпиб қўйди. Шу тобда худди ёш болалардек эркалангиси келиб кетди.

Сора аянинг "Манас, домлани чақириб келмайсанми?" деган илтижоси уни сергак торттирди. Негалигини ҳам суриштирмай "Хўп бўлади, онажон" деганча, ўрнидан турди...

Манас уйга қайтганда онаси қизига ниманидир куйиб-пишиб тушунтираётган эди. Манас билан кетма-кет кирган мулла Носир салом берди:

– Ҳорманг, Сора ая.

– Саломат бўлинг, келинг, тўрга ўтинг, – дея бемор ёстиқдан бошини кўтарди.

– Қандай, энди дурустмисиз? – сўради домла юзига фотиҳа тортар экан.

– Худога шукр, анча яхшиман... Менга "Ёсин"ни ўқиб дам солиб қўйсангиз, бандачилик, киши нима бўлишини билмайди.

Беморга дам солган домлани кузатиб қайтгач, "Онажон, бизни ташлаб кетманг" дея зор қақшаётган синглиси, пичирлаб калима келтираётган турмуш ўртоғига нигоҳи тушганда юрак-бағри хун бўлиб кетди.

Қайнонасининг "уф-ф" дегандек енгил сўлиш олиб, лаҳзада мангу уйқуга кетганини кўрганда, кўз олди қоронғулашди. Ферузани хаёл яна узоқ-узоқларга олиб қочди.

...Ёз чилласи эди. Тўйдан икки кун кейин қайнотаси тоққа, бир қўра мол билан қўшнисига тайинлаб қолдирган қизалоқларининг олдига шошилди. Орадан роса бир ҳафта ўтгач, қайнонаси келинини ёнига ўтқазиб, дилидаги гапларни айтди:

– Феруза, қизим. Мана энди ҳовли-жойга ўзинг кўз-қулоқ бўлиб турасан. Ойим кетиб қолди, деб кўнглингга олмай ўтир, болам. Мен энди қайнота ва қайнисингилларинг олдига бормасам, иссиқ-совуғидан хабар олмасам бўлмас. Тирикчилигимиз асосан чорва билан кечади-да, болам. Насиб қилса, ўзинг ҳам бориб баҳаво жойларни кўрсанг, баҳридилинг очилади ҳали. Катта қайнисингилинг ишга чиқиб кетса, бир ўзинг зерикиб қоласанми, деб кенжа қизимни қолдираяпман. Улар билан чуғурлашиб тирикчилик қилаверасан энди, айланай. Ҳамма нарса ўзинг кўрганингдек, жой-жойида турибди.

Ўша пайтларда Феруза хамир қоришнинг ҳам ҳадисини ололмай тоза қийналганди. Бир гал у чўғ ва кулга қоришиб кетган бир тоғора хом нонни эллик қадамча наридаги каналга оқизиб юбормоқчи бўлиб турганда, қайнонаси тоғдан келиб қолиб, роса изза бўлганди.

– Шунга шунча йиғладингми, болам, – деганди ўшанда Сора ая келинининг қизарган кўзларига термулиб. – Унинг уволига ачинганинг яхши, аммо бўлар иш бўпти, энди бу нонларни қозонда тоблаб пиширгин-да, қуритиб, қопга сол. Қишда ивитиб бузоқларга берасан. Қотган нонларинг бўлса алоҳида қўй, кейин талқон қиласан. Шу тарика аста ўрганиб кетасан.

Бир сафар Феруза қўшни хотинлардан бирининг гапига кириб, бўлак бўлиш илинжида хархаша кўтарганди. Қайнонасига аччиқроқ гап ҳам айтганди. Ўшанда ҳам Сора ая "Майли-да, ҳар ким қилса ўзига" дейишдан нарига ўтмаган. Бундан баттар ғазаби қайнаган келин қизларининг бирини кўтариб, бирин етаклаганча, қайнонасининг "Қўй болам, ўзингни бос, оғир тошни сув оқизмайди", дейишига қарамай, онасиникига кетиб қолганди.

Ота-онасининг ҳар куни "Бориб болаларингни олиб кел, бўлмаса биз борайлик" дея зорланишларига Манас икки ойгача қулоқ солмади. "Кўчанинг гапига кириб, бугун аразлаб кетган аёлдан эртага нимани кутиш мумкин? Сабр қилайлик, бир таъзирини есин. Шунда ўзига келар, бўлмаса яшамайман" деб туриб олди. Ким билади дейсиз, агар ўшанда раҳматли Сафар бобо орага тушмаганда эҳтимол улар чиндан ҳам ажралиб кетармиди?..

Сора ая бандаликни бажо келтиргач, хонадонда бошланган ғалағовур, хотинларнинг ғиди-бидиси ҳам Ферузанинг қалбида муҳрланиб қолди. Ўшанда ярим кечадан ўтганда бироз тиниб, оёқ ости босилагандек бўлди. Соат миллари тунги иккига яқинлашганда Манаснинг шаҳардан келган холаси Ўрозгул опа пешайвонга чиқиб, Ферузани ёнига чорлади:

– Эртага пеш жанозага нима қўямиз, айланай?

– Сиз нима десангиз шу-да, холажон, уйда тутилмаган учта гилам бор. Бирини танлаб олинг.

– Манасдан ҳам бир оғиз сўрайлик, бўлмасам.

– Қўйинг холажон, онасидан нимани аярди у. Ўз ёғига ўзи қовурилиб тургани етар шўрликнинг.

Келинининг феъли кенг, қўли очиқлигидан қувониб кетди шекилли, Ўрозгул опа "Ўзим ҳам ишонмагандим" деб юборганини билмай қолди. Сора аянинг тарбиясини олган келин эмасми, гап тагида гап борлигини пайқаган Феруза "Нимага ишонмагандингиз, холажон?" дея сўради дарҳол.

– Аслида айтиб, кўнглингни хижил қилмаслигим керак эди-ю, беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди-да, – дея ён-верига қараб сўзида давом этди Ўрозгул опа. – Қайнонангни кўзига тупроқ тўлмасдан туриб, сенинг устингдан мағзава ағдармоқчи бўлишибди баъзи жодугарлар. "Келин майитнинг устига ёпадиган нарса бермади, қизлари обкелганини ёпдик" дейишди-я, ярамаслар.

– Ким сўрабди, қачон бермабман, нега туҳмат қилишади? – Феруза аламига чидолмай йиғлаб юборди. – Хозироқ ойижонимнинг устига ёпилган матони алмаштириб қўйинг. Қанча керак бўлса уйдан топилади.

– Оғир бўл, айланай, энди бу хонадонга отилган ҳар бир тош тўғри келиб сенга тегаверади. Илгари қалқонинг – қайнонанг бор эди...

Холаси ҳар қанча тасалли бермасин, Феруза ўксиб-ўксиб узоқ йиғлади. Йўқ, у бу хўрликка чидолмади, холаси тайинлаганидек, оғир ҳам бўлолмади. Тонг ёриша бошлаган пайтда ҳеч кимдан сўраб ўтирмай, яқинда сотиб олган, ҳали бўёғининг ҳиди ҳам кетмаган Бельгия гиламини гўшанга ортида ётган ойисининг жасади ёнига беозоргина қўйди-да, яна ички кечинмага берилди: "Нимага ойижонимнинг ҳар бир сўзи олтинга тенглигини аввалроқ англаб етмадим? Нега баъзан панд-насиҳатларини кўнглимга оғир олиб, ранжидим? Энди ҳаммасини тушундим, жаннати оналигингизга имон келтирдим".

Лекин бу тахлит эҳтиромларни у қайнонасининг кўзи тириклигида адо этолмаганидан изтироб чекар, қилган хатоларидан ўкиниб яшарди...

Жамолиддин АБДИЕВ.

Бу – қизиқ

"ТИТАНИК" ЭНДИ МУЗЕЙДА

Буюк Британиянинг Саутгемптон шаҳрида "Титаник" музейи барпо этилади. Лойиҳа юзга яқин компания ҳамкорлигида амалга оширилиши кутилмоқда. Музей қурилиши учун беш юз минг фунт стерлинг маблағ ажратилган. Хабарларга қараганда, у ерда уммоншунос Роберт Баллариинг "Титаник" кемасига оид тўрт юз мингдан зиёд топилмаси – хатлар, идишлар, кема қолдиқлари ва йўловчиларнинг ёдномалари намойиш этилади.

БАҲАЙБАТ МАХЛУҚ ТИШЛАРИ

Греция палеонтологлари энг катта тишли мастодонтнинг (катта филсимон ҳайвон) суягини аниқладилар. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мастодонтнинг дандон тишларидан бири беш, иккинчиси тўрт метр бўлиб, оғирлиги олти тоннагача етган. Топилмадаги ДНКни текшириш орқали мастодонтларнинг нима сабабдан қирилиб кетганини аниқлаш мумкин.

Палеонтологларнинг фикрича, мастодонтлар мамонтлар сингари Шимолий Америкада ўн минг йил муқаддам, Европада эса тахминан икки миллион йил аввал яшаган.

АНТИҚА БАТАРЕЯЛАР

Япониянинг "Тошиба" корпорацияси ноутбук ва мобиль телефонлар учун метил спиртли батареялар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу ҳақда мазкур ташкилотнинг матбуот хизмати маълум қилди.

Хабарларга қараганда, янги батареяларнинг устки қисми пластик флакондан иборат. У орқали исталган вақтда ва жойда ноутбуклар ва мобиль телефонларни қувватлантириш мумкин. Кўп марта ишлатишга мўлжалланган бундай батареяларнинг афзаллиги шундаки, у электр қувватини тежаш имконини беради. Метил спиртли мазкур батареялар 10-50 минг иенга (қарийб 100-500 АҚШ долларига тенг) баҳоланмоқда.

ЎзА.

Рассом хандаси



Ҳусан СОДИҚОВ чизган расм.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-340. Адади 8853. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.00.